

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

# Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri  
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Махлис



## УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Бош Кенгашининг VII мажлиси бўлиб ўтди. Унда Федерация раиси ўринбосарлари, тармоқ ходимлари касба уюшмалари Республика кенгаши раислари ва ўринбосарлари, ҳудудий кенгашлар раислари, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари, аппарат бўлим мудирлари ҳамда Бош кенгаш таркибига тармоқ касба уюшмалари ва ҳудудий кенгашлардан сайланган аъзолар иштирок этди.

Мажлисда кун тартибидagi масалалар юзасидан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов маъруза қилди. Таъкидландики, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир соҳада кенг қўламли ўзгариш ва янгиланишлар, тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар замирида бир мақсад – инсон манфаатларини таъминлаш, халқ турмуши фаровонлигини ошириш муҳим.

Мазкур жараёнларда республикамиздаги энг йирик жамоат ташкилоти – касба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, ўтган йилда касба уюшмалари томонидан тизимли ишлар амалга оширилди. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ишларида фаол иштирок этилди. Бу борада 150 та норматив ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилиб,

тегишли таклифлар берилди.

Корхона ва ташкилотларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилишини жамоатчилик назорати тартибида ўрганиш ҳамда касба уюшмалари органларига келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра 141 минг 783 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар давом эттирилиб, 6 тоифа бўйича «Аёллар дафтари»га киритилган 993 минг 386 нафар хотин-қизнинг, Федерациянинг «1211 ишонч телефони»га хотин-қизлардан тушган жами 26 минг 864 та мурожаатда кўтарилган муаммолар ҳал этилди.

Тасарруфдаги санаторийлар ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўринлар сонини кўпайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам тизимли ишлар олиб борилди. Сурхондарё вилояти, Сарисий тумани Сангардак қишлоғида «Сангардак» санаторийси ва Федерациянинг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида талабалар учун ётоқ биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида тизимдаги санаторийлар сони 31 тага, улардаги ўринлар сони 6 минг 753 тага етказилди. Йил давомида ушбу санаторийларда 152 мингдан зиёд меҳнаткашларни, хусусан, 61 минг 279 нафарини имтиёзли ва 3 минг нафардан зиёднинг бепул йўлланмалар асосида соғломлаштириш имкони яратилди.

Мажлисда Бош кенгашнинг VII мажлиси қарори қабул қилинди. Унга кўра, Федерация фаолияти-



Эъзога УМРЗОҚОВА олган суратлар

нинг 2024 йилдаги устувор йўналишлари белгилаб олинди. Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва тарғиб қилишда фаол иштирок этиш, меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш қончилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратининг шакл ва услубларини кенгайтириш, Давлат дастури ижросида касба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш ва кучайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш, хотин-қиз-

лар ҳамда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш каби қатор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилиш сўнггида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашининг таркибига ўзгаришлар киритилди, Федерация хотин-қизлар кенгашининг янги таҳрирдаги Низоми ва кенгаш таркиби, Ижроия қўмитасининг қарорлари ҳамда Бош кенгашнинг айрим ваколатларини Ижроия қўмитага бериш бўйича Бош кенгашнинг қарорлари тасдиқланди.

Ижроия қўмита йиғилиши

## Вазифалар ижросига назар



Ўзбекистон касба уюшмалари саройи мажлислар залида Касба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ижроия қўмита аъзолари ҳамда мутасадди раҳбарлар иштирок этди.

Йиғилишда кун тартибидagi қатор масалалар юзасидан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ҳамда аппарат бўлим мудирлари, бошқарма бошлиқларнинг ахборот ва ҳисоботлари тингланди.

Ўтган йилда тармоқлар кесимларида бажарилган ишлар танқидий-таҳлилий кўриб чиқилди. Ўзбекистон касба уюшмалари ташкилотлари тизимида рақамли технологияларни кенг жорий этиш, Федерациянинг комплекс интеграллашган ахборот тизимидан фойдаланишни йўлга қўйиш, ижти-

моий шерикликни ривожлантириш, Федерациянинг VIII Курултойи ҳамда 2021-2025 йилларга мўлжалланган Стратегик йўналишларда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида ҳар бир тармоқ касба уюшмалари ташкилотлари томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш берувчилар билан ижтимоий шерикликни

мустаҳкамлаш, аъзолар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида маданий-маърифий ҳамда спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Корхона ва ташкилотларда иш ҳақи ўз вақтида тўланиши, меҳнат муҳофазаси, жамоа шартномалари шартларининг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш мунтазам йўлга қўйилган.

Йиғилишда, шунингдек, «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» бўйича қабул қилинган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси дастури» ижроси тўғрисидаги ахборот тингланди.



Қайд этилишича, Тараққиёт стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастури бажарилишида касба уюшмалари фаол иштирок этган. Дастурда Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали хотин-қизлар, меҳнат фахрийлари ҳамда ёшларни хар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

10 минг 774 нафар икки ёшдан уч ёш-

гача бола парвариши учун таътилда бўлган ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатилган. 50 минг нафардан ортиқ кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари ва дарсликлар харид қилиш харажатлари қисман қопланган. 3 минг 334 та нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 5 минг 280 нафар ёш болани аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиغان қилиб белгилаш жорий этилган.

Йиғилишда кўтарилган масалалар юзасидан Ижроия қўмитанинг қарорлари қабул қилинди. Унга кўра, Тараққиёт стратегияси асосида «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» бўйича ҳудудий, тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш, бунда «Инсон кадри учун» тамойилини бош мақсад қилиб олиш, халқ билан мулоқот тизимини янада кучайтириш, аҳолидан тушган мурожаатларни қисқа муддатларда ҳал этиш чораларини кўриш, кекса авлод вақиллари, хотин-қизлар ҳамда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ҳамда саломатликларини тиклаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш бўйича қатор чора-тадбирлар тасдиқланди.

ХМТ ва Ўзбекистон ўртасида имзоланган «2021-2025 йилларга мўлжалланган муносиват меҳнатни таъминлаш бўйича мамлакат дастури»ни амалга ошириш, Бош жамоа келишувида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама Республика комиссияси ишини жонлантириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Гулрухбегим ОДАШБОВА  
«ISHONCH»



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 29 январь куни уй-жой ва коммунал хўжалиги, қурилиш, транспорт ва экология соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чорвачилик хўжалиқлари аҳорий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкилар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.



Шанхай шаҳрида ташкил этилган «Ўзбекистон – Ипак йўли дурдонаси» туризм тақдими доирасида Туризм қўмитаси раиси Умид Шодиев ва «China Comfort Tourism» гуруҳи раҳбари Чж. Хан ўртасида учрашув ташкил этилди.



29 январь куни Тошкент шаҳри маҳалласидаги 1 кубометр ҳавода атиги 23 микрограммни ташкил этди.

Бу билан Ўзбекистон пойтахти AQAir рейтингидagi дунё шаҳарлари ичида ҳавосининг тозаллиги бўйича 12-ўринга чиқди.

Рейтингга кўра, PM2,5 концентрациясининг 50 мкг/м³ гача бўлган даражаси яшил категория – энг яхши кўрсаткич ҳисобланади.



Бошлангич ташкилотларда

# ҲЕЧ БИР ХОДИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Ўтган йили туманимиз тармоқ касабаси уюшмаси таркиби янада кенгайди. 20 та оилавий мактабгача таълим ташкилотларида бошлангич касабаси уюшмаси ташкилотлари тузилиб, уларнинг сони 89 тага, аъзолар сони 4 минг 259 нафарга етди.

Эндиликда кўпчилик касабаси уюшмаси аъзо бўлиш фақат бадал тўлаб туриш эмас, ҳар бир ишловчининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолати эканини англаб етаётди. Шунинг учун нодавлат ташкилотларда ишлайдиганлар ҳам касабаси уюшмага аъзо бўлишга, бошлангич ташкилотлар тузишга ҳаракат қилишмоқда.

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси туман кенгаши ходимлари бундай ҳаракатларни қўллаб-қувватлаб, бошлангич ташкилотлар тузилишида яқиндан амалий ёрдам кўрсатиб келяпмиз.

Албатта, касабаси уюшмаси ташкилотининг таъсири ортиси ўз-ўзидан бўлмайди. Одамлар уюшма ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишини, ижтимоий қўллаб-қувватлашини амалда кўришлари туфайли унга ишончи ортади, аъзо бўлишга интилади. Айни шу йўналишда меҳнат муносабатларини тўғри ташкил этишнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлган жамоа келишувлари, жамоа шартномалари муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ўтган йили туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими билан 2023-2025 йилларга мўлжалланган тармоқ келишуви қабул қилинди. Тармоққа қарашли барча ташкилот ва муассасалар жамоа шартномаси билан қамраб олинган.

Иш бор жойда камчилик бўлиши табиий. Касабаси уюшманинг мақсади ҳар бир муружаатни тезкор ва тўғри ҳал этиб, маъмурият ва ходим ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган низои газак олдирмасдан бартараф этишдир. Ўтган йили туман кенгашига 261 та муружаат келиб тушган. Ушбу муружаатларнинг барчаси Меҳнат кодексига талабларига мувофиқ ҳал этилди.

Таъкидлаш жоизки, кам таъминланган, эҳтиёжманд касабаси уюшмаси аъзоларига имконият даражасида ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, ўтган 2023 йилда шундай аъзолардан 163 нафарига салкам 83 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, умумхалқ байрамлари арафасида фаол касабаси уюшмаси аъзоларига, меҳнат фахрийларига, иқтисодий ёрдамга муҳтож оилалар вакилларига байрам совгалари берилди келинмоқда.

Касабаси уюшмаси аъзоларининг саломадлигини мустаҳкамлашга, улар учун саёхатлар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди. Шу мақсадда ўтган йили сийҳатгоҳларга 78 та йўлланма олиниб, шундан 24 таси касабаси уюшмаси аъзолари яқин қариндошларига берилди. Юқори натижалар қайд этган умумтаълим мактаблари директорлари, ўқитувчилари ва мактаб ва мактабгача таълим бўлими ходимларидан 12 нафари санаторийларга бепул йўлланма билан рағбатлантирилди. Шунингдек, жамоа шартномалари орқали 460 нафар ходим учун юртимиздаги диққатга сазовор жойларга саёхатлар уюштирилди.

Айтишга осон туюлаётган мазкур рақамлар ортида кўплаб инсонларнинг манфаати турибди, албатта. Президентимиз қайта-қайта таъкидлаётганларидек, ҳеч бир фуқаро ўзининг муаммолари билан ёлғиз қолмаслиги керак. Бу эзгу мақсадни амалга оширишда касабаси уюшмаларнинг ўрни катта. Шу боис бу борада фаолиятимизни янада кучайтириш учун 2024 йилда қилиниши лозим бўлган вазибалар юзасидан аниқ иш режаси тузиб олганмиз.

**Найим МАҲАММАТОВ,**  
Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Фориш тумани кенгаши раиси

Хоразм вилояти

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши масъул ходимлари чекка ҳудудларда бўлиб, аъзолик афзалликларини тарғиб қилишмоқда.

Хоразм вилоятида қурувчи бунёдкорлар билан ўтказилган учрашувда Республика кенгаши раиси ўринбосари Баҳоидир Султонов, Республика Кенгаши бош мутахассислари Шоҳиста Чориева, Шавкат Содиқов сўзга чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий ҳимояга йўғрилган сиёсатнинг аҳамияти, тармоқ касабаси уюшмаси томонидан аъзолар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар, ходимлар билан меҳнат муносабатларини қонун талаблари асосида йўл қўйишнинг долзарб аҳамияти ҳақида тўхталдилар.

Соҳа вакилларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарилди.

Касабаси уюшмалари ҳар доим аъзолар учун кўмакка шай, дейди Баҳоидир Султонов. – Муносиб иш ва дам олиш шароитларини яратиш, меҳнат муҳофазасини кучайтириш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида улуксиз чора-тадбирлар кўриб келинмоқда.

Воҳадаги навбатдаги учрашув вилоят кенгашида бошлангич касабаси уюшма кўмитаси раислари иштирокида бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Федерациянинг Хоразм вилояти кенгаши раиси



## КАСАБА УЮШМА КЎМАККА ТАЙЁР

Гулсара Қурбонбоева мамлакат тарраққетида қурувчи ва йўлсозларнинг, транспорт тармоғининг хиссаси катталигини, ушбу соҳа вакилларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устувор вазибалардан бири эканлигини алоҳида эътироф этди.

Учрашувда жамоа шартномалари шартларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, бошлангич ташкилотлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш, аъзолик бадалларини мақсадли сарфлашнинг аҳамияти ҳақида сўз борди. 2023 йилда жамоа шартномаларининг бажарилиш яқунлари бўйича ҳисоботлар қилиш лозимлиги ҳам таъкидлаб

ўтилди. Касабакўмлар ўз фаолиятини давомидида дуч келаётган масалалар юзасидан кўплаб саволлар билан муружаат қилдилар.

– Республика кенгаши мутасаддиларининг иш бевувчилар ва касабакўм етакчилари билан учрашувлари ҳар томонлама самарали бўлди, – дейди тармоқ касабаси уюшмаси вилоят бирлашган кенгаши раиси Камолдин Рўзметов. – Бу мулоқотлар сафимизнинг янада кенгайишига ва касабаси уюшмаларининг мавқеи янада мустаҳкамланишига хизмат қилажак.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА  
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

Маънавият

## ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ УЧУН...

«Ботаника» санаторийси ходимлари Ўзбекистон тарихи давлат музейига саёхат қилишди.



Музейдаги археология, танга-шунослик ва этнографияга оид кўплаб қимматли жамланмалар, шунингдек, ўзбек халқининг ўрта асрлардаги буюк маданий меросидан ҳикоя қилувчи кўплаб экспонатлар, айниқса, мустақиллик давридаги озодлик учун олиб борилган курашлар хариталар, суратлар, рангтасвир воситалари орқали ёрқин намойён этилганлиги барчага янгидан-янгидан маълумот берди.

Музейга саёхат барчани аждодларимизнинг ўй-хаёллари, турмуш тарзи, маданияти билан таништириб, ўзликни англаш учун ҳам тарихни билиш лозимлигини тасдиқлагандек бўлди.

Севара ЭШОНҚУЛОВА

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКДА ИШОНЧНИНГ АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС

Ижтимоий мулоқотлар жараёнида қотиб қолган услубларга таяниб, шунчаки музокаралар олиб бориш иш бермай қўйганига анча бўлди. Чунки бугун тафаккурдаги юксалиш, бозор муносабатларига мослашувчанлик одамлар шууридан муқим ўрин эгаллаган. Айниқса, ишбилармонлик муҳитида ишончнинг ўрни ҳам, мавқеи ва қадри ҳам баланд саналади.

Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касабаси уюшмасининг Самарқанд (Жиззах, Навоий) вилояти ҳудудий кенгашига Самарқанд транспорт бошқармасида ташкил этилган «Трамвай линияларини эксплуатация қилиш дирекцияси» давлат корхонасини сафга қўйиш осон бўлмади. Тизим таркибига кирувчи бу корхонада ходимлар манфаати устуворлигини таъминлаш керак эди. Маъмуриятда бунга хоҳиш ва қизиқиш ҳам бўлди. Энди ҳамма гап ўзаро ишонч барқарорлигини кафолатлашда қолганди.

– Дирекция ташкил топгач, юзга яқин одам иш билан таъминланди, – дейди тармоқ ҳудудий кенгаши раиси Олимхон Мирзаев. – Илк мулоқот осон кечмади. Ташкилот раҳбари хайрихолик билдирса-да, уни жамоа аъзолари кўриши мумкин бўлган манфаат кўпроқ қизиқтирарди. Биз аъзолик афзалликларидан ташқари, иш бевувчининг гарданига юкланадиган масъулият ҳақида ҳам тўлиқ маълумот бердик. Очиги, бундай вазиятларда кўпчилик раҳбарлар «айниб» қолишарди. Айрим ташкилотлар етакчилари ўз зиммасига тушадиган «юк»дан чўчиб кетишгани ҳам бор гап. Баъзилари жамоа шартномасига киритиладиган афзалликлардан чикимдор бўлишни бўйнига олишни истамасдилар. Янги ташкилотда эса бунақа ҳолат кузатилмади.

– Ходимларимиз кеча-кундуз эл хизматида, – дейди корхона раҳбари. – Бу катта масъулият талаб қилишини яхши

тушунамиз. Касабаси уюшмалари ана шунга эътиборда тутиб, ходимларга қўлай шароитлар яратишда бизга елкадош бўлмоқчи. Шундай экан, муносиб етакчи сайлаб олишни ишчиларнинг ўзларига қўйиб берганимиз маъқул.

Корхона маъмурияти қўловли билан ишлар юришиб, корхонанинг бошлангич касабаси уюшмаси тезда жамоа эътиборига тушди. Жамоада меҳнат муҳофазаси намунали йўлга қўйилди. Техника хавфсизлиги доирасида ишловчилар кўникмаси муттасил ошириб борилди. Натияжада ёш жамоа бошлангичи ўтган йили «Энг намунали бошлангич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлди. Республика босқичида эса тизим бошлангичлари ўртасида тенгсиз эканлигини намойиш этди.

– Ютуқлар ўз-ўзидан келмайди, – дейди уюшма етакчиси Искандар Шодиев. – Меҳнат ва ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини борасида маъмурият бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Айниқса, муносиб иш шароити яратилишида шу пайтгача бирон-бир муаммога дуч келмадик.

Металлургия ва машинасозлик саноати корхоналари ҳамда тармоқ касабаси уюшмасида ўзаро алоқалар улуксизлиги таъминланмоқда. Ўтган даврда Самарқанд, Жиззах ва Навоий вилоятларидаги соҳага дахлдор 50 дан зиёд нодавлат корхоналарга муружаатлар юборилди. Уларда аъзоликнинг афзал жихатлари тўла асослаб берилди.

Ушбу саъй-ҳаракатнинг илк самараси минг нафардан ортиқ киши ишлайдиган «AZIA METALL PROF» МЧЖ фаолиятида намойён бўлди. Корхона маъмурияти касабаси уюшмалари тақлифини бажонидил қабул қилди.

Бу яғна ҳолат эмас. Бултур жами 2052 киши меҳнат қилаётган 24 та саноат корхонаси тармоқ касабаси уюшмалари таркибига олинди. Декабрь ойида эса 1 минг 388 нафар ходимга эга 4 та йирик тизим корхонасида бошлангич касабаси уюшмаси ташкилоти тузилди.

Меҳнат соҳасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш тармоқ тизимидаги барча ташкилотлар фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Соғлом ва хавфсиз меҳнат тарбияси доирасида давра суҳбатлари, семинар-тренинглари, меҳнат шароитларига доир фотокўргазмалар ташкил этиш аънаънага айланган. Тизим ташкилотларининг барчасини ўз қамровига олган кўп босқичли «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш» кўрик-танлови бир неча номинацияларда ўтказилмоқда. Қўйи ташкилотлар фаолиятига белгиланган мезонлар асосида баҳо берилмоқда.

Шу ўринда яна бир мисол. Ўтган йили тизим ташкилотларида имзоланган жамоа шартномалари орқали ишчи-ҳодимларга қўлай меҳнат шароитлари яратиш, уларни ва оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш, соғлиқларини тиклаш йўналишида режалар ишлар олиб борилиб, бу тадбирлар учун иш бевувчилар ва ка-

Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгашида Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлиги ва транспорт, капитал қурилиш ҳамда йўл ҳўжалиги ташкилот-корхоналари, Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси Республика кенгаши, унинг ҳамда Федерациянинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мутасаддилари ва мутахассислари қатнашдилар.

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ ЯҚДИЛЛИК

Йиғилишда дастлаб Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси Республика кенгаши раиси ўринбосари Баҳоидир Султонов касабаси уюшма томонидан ўтган йили аниқ соҳада амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланган чиқиш қилди. Шунингдек, ижтимоий ҳимоя, Меҳнат кодексига киритилган ўзгаришлар юзасидан батафсил маълумот берди.

Тадбирда Қорақалпоғистон шаҳар-туманларида мазкур соҳаларда фаолият юритаётган ташкилотлар ҳамда иқтисодиётнинг нодавлат секторида янги ташкил этилган ҳўжалик юрттувчи субъектларда ишловчи ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялашни янада кучайтириш кераклиги, ушбу субъектларга касабаси уюшма ташкилотларини тузишда ёрдам бериш лозимлиги айтиб ўтилди.

Куннинг иккинчи ярмида бўлиб ўтган Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг бошлангич ташкилотлари касабаси уюшмалари раислари, шунингдек, соҳа масъуллари иштирокидаги йиғилиш ҳам айнан шу мавзуларга бағишланди. Унда, жумладан, меҳнат таътили, аъзолик афзалликлари хусусида сўз юритилди. Таъкидланишича, 2023 йилда касабаси уюшма фаоллари, мутасаддилар халқ ичига кириб бориб, аҳолининг ижтимоий аҳволини ўрганишдан ва жамоатчилик назорати ўтказишдан. Касабаси уюшмалари қурилиш объектлари, транспорт ва йўлларга тааллуқли муаммоларга ечим топишда фаол қатнашган.

Йиғилиш сўнгига иштирокчилар ижтимоий ҳимоя, жамоа шартномаси ва нафақа масалалари бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Фотима АБДУРАИМОВА  
«ISHONCH»

Мулоқот

Фаолият

касба уюшмаси маблағлари ҳисобидан 30 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу ҳар бир ходимнинг меҳнат самарадорлигига эришиш йўлида 6 миллион сўмга яқин маблағ ишлатилганини билдиради.

Тизимда «Муружаат – натижа» тамойили асосида мулоқот механизми ишлаб чиқилган. Бу очқиклик сари ташланган муҳим қадам ҳисобланади.

Ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни тубдан такомиллаштириш борасида ҳам диққатга молик ишларга қўл урилди. Ижтимоий шериклик муносабатлари доирасида тармоқ келишуви амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларига киритилган қўшимчалар асосида ўттиздан ортиқ ўзгаришлар билан бойитилди. Янгилашган амалиёт тизимнинг барча ташкилотлари жамоа шартномаларида ўз аксини топишига эришилди. Ил мوباинида соғломлаштириш, жисмоний чиникиш тадбирлари муттасил равишда ўтказилмоқда. Жумладан, тармоқ ходимларининг Андижон вилоятидаги «Хонобод» санаторийсида бўлиб ўтган IV спартакиадасида «Жиззах аккумулятор заводи» АЖ биринчи, спортнинг арқон тортиш, шахмат-шашка, стол тенниси ва дартс мусобақаларида «Самарқанд автомобиль заводи» КК, «Элхолдинг» ИИЧБ, «Жиззах аккумулятор заводи» АЖ ёшлари иборат эркавлар ва аёллар жамоалари совринли ўринларни эгаллашди.

Металлургия ва машинасозлик саноатининг реал секторларидаги илдамлаш тармоқ касабаси уюшмасининг ҳудудий кенгаши олдига ҳам янги вазибаларни қўймоқда. Уларнинг ижросини таъминлаш асосида тизимда ишловчилар манфаати муносиб ҳимояланиши учун тўла-тўқис асослар яратилмоқда.

Нурйиша ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»



Ортиқ Отажонов ҳалол ҳофиз эди. Назаримда, ушбу фазилат унга устози Комилжон Отаниёзовдан юққанди. Ул буюк зотнинг ҳаёти, одамлар билан муомаласи, халқ учун сулокли инсон бўлгани, айниқса, санъатга чексиз садоқати Ортиқ аканинг ҳақиқий санъаткорга айланишида, бу аъмолга хос ҳар бир хислатида яққол кўриниб турарди. Биз Комилжон Отаниёзов билан юзма-юз кўришмаганмиз, бироқ бу улуг санъаткорнинг оҳанрабо тасмаларга муҳрланган ҳар бир ижросини диққат билан тингланган киши у ҳаёти кўшиққа айланиб кетган инсон бўлганини англаб етади. Ва яна, гоҳида ўта ҳазилкаш, гоҳида мунгли қалб соҳиби саналган Комилжон оғадан жуда катта ижодий мерос ҳамда Ортиқ Отажонов, Отажон Худойшукуров, Бобомурод Ҳамдамов, Олма-хон Ҳайитова, Раҳматжон Қурбонов каби ҳар томонлама етук шоғирдлар қолди. Вақт ўтиши билан уларнинг ҳам кўплаб издошлари етишиб чиқди...

Ортиқ Отажоновнинг устозига садоқати гўёки унинг либоси янглиғ ўзи билан бирга эди. Ҳофиз етмиш икки ёшида, умрининг сўнгги кунларидаги мулоқотимиз чоғида Комилжон оға ҳақида алоҳида меҳр билан жўшиб сўз юритганди. Бу пайтда ўзи ҳам аллақачон катта мураббий мақомига эришган бўлса-да, ўсмирлик чоғларидаёқ устозига бўлган ҳурмати ва эҳтиромини ҳали-ҳануз унутмаганди.



# ЖАЛОЛ ҲОФИЗ ЭДИ...

лардан иборат бўлади. Демак, уларни маҳоратли ижрочилар сифатида тан олиш, ижодкор санъаткор билан ижрочи санъаткор ўртасида яхшигина фарқ борлигини унутмаслик зарур.

Масалала шу нуқтага назардан ёндашсак, Ортиқ Отажонов юзлаб кўшиқлар бастакори, беназир муаллифи, моҳир, гўзал ва бетақдор ижрочи эди. Янаям аниқроғи, у матн танлаш, унинг маъно-мазмунига монанд куй басталаш, сўнгра аъло даражада ижро этиш маҳоратини ўзида муҳасамлаштирган санъаткордир.

1992 йилнинг декабрида «Ўзбекистон овози» газетасида Ортиқ Отажонов билан суҳбатим чоп этилди. Бу менинг республика матбуотидаги ilk киқишларимдан бири эди. Шу-шу Ортиқ ака билан яқин бўлиб қолдим. У киши тахририят биносига йўли тўса, бирор кириб ўтадиган бўлди. Бир сафар бўлим бошлиғим, бетақдор шоиримиз Мухаммад Юсуф у кишига бир туркум янги шеърларини берди. Уша кезлар унинг ҳар бир шеър кўшиқчилар орасида қўлма-қўл бўлиб кетган эди. Кунда-кунора машҳурлашиб бораётган ёш хонадаларнинг оёғи шоир кабинетидан узилмасди.

Мен Ортиқ Отажонов тез орада икки-учта янги кўшиқ яратиб келса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, адашманман. Орадан бир ҳафта ўтиб, ҳофиз ўша шеърларни қайтариб олиб келди. Мухаммаджон аканинг хонасига кириб, «Бу шеърлар менинг йўлимга мос келмади, уларни ҳеч оҳангларга сола олмадим», дея узр сўради.

Мен бу ҳолатни бирмунча вақт ҳазм қила олмадим. «Наҳотки, Мухаммад Юсуфдек шоирнинг шеърларини кўшиқ қилиб бўлмас?» дея ажабландим. Бир кун эса шоирнинг ўзи ёрилди ва ҳофиз ҳақинини тан олди. «Ортиқ ака мард одам экан. Шеърларини кўшиқ қилса, ўзи истаганчаллик ва мен кутганимдек ҳам чиқара олмаслигини ҳис қилиб, дангалига иш тутди... Эҳ-хе, қанчадан-қанча шеърларим нокамтар кўшиқчию бастакорлар кўлига тушиб ва бир тийинга қиммат ашула бўлиб, менга азоб келтираётганини сиз билмайсиз-да, ука!» деди.

Бир кун Шерали Сокин менга кўнғирок қилиб, яқин орада Панжикентда ўғлини уйлантирмоқчи эканини айтди ва тўйга Ортиқ акани таклиф қилиш учун бирга боришимни илтимос қилди. Биз ҳофизнинг Уйғур қўчаси тугунидаги барча мухлислари яқини билладиган хонадонига ака-ука бўлиб кириб бордик.

Илгари саҳнада, телеэкранларда ўзини тутишларига қараб, Ортиқ Отажоновни ўта жиддий инсон деб ўйлардик. Ҳаёлимиздаги бу стереотиплар ўша кунни чилпарқан бўлди. У киши биздан анча солдарок, ўн чандон камтарок ва қувнок инсон экан. Узи пиширган балиқ шўрва билан иккимизни меҳмон қилди. Шу асно ўртадаги қандайдир ийманиш ва ҳайкиш пардаларини бутунлай олиб ташлади. «Биз энди яқин ака-укалармиз, бундай хизматлар бўлса, овозра бўлмасдан бир телефон қилсаларингиз, кифоя!» деди.

Кейинчалик неча бор Ортиқ аканинг таваллуд кунинда унга бориб, меҳмон бўлган бўлсак, ҳар гал беш-олтита янги латиға, кулгили воқеаларни хотирамизга муҳрлаб қайтдик. Улар орасида қоғозга тушириб бўлмайдиганларни кўпроқ бўларди, албатта.

Мен ака-ука Ортиқ, Сафарбой ва Қўзбой Отажоновларнинг ҳар бири билан кўп мулоқотда бўлганман. Улар аслан бир-бирига жуда яқин, бирдай тўғри тарбия олган, ота-онаси ризолигига эришган инсонлар эканига ишонч ҳосил қилганман.

Сафарбой Отажонов аканинг санъати билан «нафас» оладиган соҳир овоз соҳиби. Қўзбой Отажонов эса бутунлай бошқа дунёнинг одами! Мен у билан талабалик давримдаёқ яқиндан танишдим. Уйда бир неча бор суҳбатлашдим, мақола ёздим. Унинг ҳаётга ҳам, санъатга ҳам қарашлари бутунлай бўлакча. Лекин, энг муҳими, ҳалол инсон!

Мени ҳайратларга ошно қилган яна бир жихат, бутун бошли халқнинг меҳр-муҳаббатини қозонган, машҳурликда тенги йўқ, ошиғи олчи бўлиб яшаган Ортиқ Отажоновни бу машҳурлик,

бу эъзозу эҳтиромлар, юлдузлик буза олмагадир. Концертларидан бирида у кўшиқ қуйлаётганида бир зум тин олиб, шундай деган эди: «Ие, маъзур тутинлар, бу ерда халқимизнинг улуг шоирлари ўтиришган экан, биз ҳар нимани ашула деб айтиб турибмиз...». Холбуки, ўша шоирлар аслида ҳофизнинг дилдорлар кўшиқларини эшитиш учун келишганди.

Ортиқ Отажоновда санъаткор деган катта мартабага муносиб бўлиш учун зарур бўлган барча хислат бор эди. У яқини матн танлай олди, сўзинг маъно-мағзини теран тушунар, шоирнинг мақсад-муддасини англади. Ҳар қораламани шеър дейишга шоммасди. Унинг кўп мисраси ашула авж пардага маъно жиҳатдан мувофиқ бўлишини обдон ўйларди. Шеър мавзусидан келиб чиқиб, унга ҳар жиҳатдан муносиб мусика ёзарди. Яна денг, сузларни дона-дона қилиб айтди.

Ортиқ Отажонов бағоят сермахсул бастакор эди. У яратган юзлаб муаллифлик кўшиқлари бугун ҳам ўнлаб шоғирдлари ва мухлислари томонидан севиб қуйланмоқда. Бу – биринчидан. Иккинчидан, ҳофиз санъатга ҳамisha катта ҳурмат билан қаради. Халқ кўшиқлари, ялпалар, дostonлар мазмуни ва оҳангини, айтилиш усулини ҳеч қачон бузмади, ўзига мослаштирмади. Уларни аввалги ижрочиларникидан юқори даражада қуйласа қуйладик, паст савияда қуйламади. Шу боис ўша улмас санъат намуналарини Ортиқ аканинг ижросида тингланган бирор киши ундан ранжимади. Аксинча, уларда хоразма шўхчанлик ва жўшқинликни янада мукамалроқ ҳолда кўрди. Зеро, ҳофиз неки қўшган бўлса, ярашқили, ёқимли, муносиб, устозларига монанд қилиб қўшди. «Тоҳир ва Зухра», «Ошиқ Фароб ва Шоҳсанам» дostonларидан айтилган ашуларни қайта-қайта тингласангиз, ҳар сафар янгидан кашф этасиз бу улмас санъатнинг жозибасини...

Ортиқ Отажонов «Лазги»ни бир поғона баландга олиб чиқди. Бу бетақдор куйга она замини Хоразмнинг тарихи, улуг мероси, ажиб бир қисмати кўшиди. Уни бир томондан шўх куйга солиб рақсга тушиш мумкин бўлса, бир томондан унда зоҳир бўлган элнинг аччиқ қисматидан қўзларга ёш келади.

Ҳофиз она юртига катта қўрак билан муҳаббатини изхор эта-эта қуйлади. Абдулла Ориповнинг «Ватан» шеърини худди шундай қалб билан куйга солди, Омон Матжоннинг «Умр ўтар», Вокифнинг «Турналар», Эркин Самандар қаламига мансуб «Хоразм фарзандим», ўзи ёзган «Устозни эслаб» каби ўнлаб кўшиқларда ўша беғидир, беғараз муҳаббатни кўраимиз, ҳис қиламиз.

Машрабнинг «Келсун» радифили мухаммаси Ортиқ Отажонов талқинида сувора йўлларидаги умрбоқий кўшиқлардан бирига айланди. Халқимиз дилига оташ сола олган ва Ортиқ аканинг энг сара ижод махсулларидан бири сифатида эътироф этилган бу кўшиқ ҳозир бир қанча ҳофизлар томонидан қуйланмоқда. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида бир тадбирда авж пардаларда қуйлаганида ёзиб олинган ушбу ашулани тинглаб, ҳофиз бир мукамал мумтоз асар яратганига қойил қоламан. Негаки, унда Хоразм санъатининг бор жозибаси, нолаю оҳанглари, бир жойида жўшқинлиги, бир жойида мунгли ноласи, дард, дардқашлик – ҳаммаси бор. Ашула айтаётганда ҳофизнинг тори ҳам сайраб кет-

## Хотира-эссе

ган, унга чин садоқати билан жарангланган. Ушандай ижро бошқа тақдорланмаган. Буни кейинчалик Ортиқ аканинг ўзи ҳам тан олган, бир суҳбат пайти бу ёзувни тинглаб, «Энди бундай тор чалишлар қани?» деб қўйган экан.

Машрабона «Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат?», «Ишқ балоси», «Билиб бўлмас» «Санамо», «Эй санам, гулгун ёнибсан», «Дард сўранг», Махтумқулидан «Бўйларингга», «Муҳтож айлама», «Айрилма», «Ошиқ бўлмишам», «Поёни бўлмас», Алишер Навоийдан «Кўнглим», «Топмадим», «Муножот», «Гулузорим», Оғайдан «Ҳар дам манга юз жафо килурсан», «Савти» ва «Суворалар», «Феруз»лар, Мулла-нафасдан «Гулзориннан», «Қизлар»...

Билишимча, Ортиқ аканинг Самарқандда, Қаршида, Хоразмнинг Боғоти ва Урганчида, водийда ҳам борар уйлари бор эди. У тўй-томоналарда хизматда бўлган пайтлари сўз ва соз муштараклигидаги дилкаш суҳбатлар ана шу хонадонларда давом этарди. Бу одамларнинг сулокли ҳофизга меҳри бекиёслигини англаётди. Унинг ташири ўша хонадон соҳиблари учун ҳар сафар байрамга айланарди.

2017 йили Комилжон Отаниёзовнинг 100 йиллиги кенг нишонланди. Ичан Қалбадаги катта саҳнада бўлган концертда Ортиқ Отажонов иккита кўшиқ қуйлади. Бу пайтда у етмишга кирганди.

Ўша йили Комилжон Отаниёзов кўшиқлари ижрочиларининг анъанавий кўрик-танлови у таваллуд топган туманда ўтказилди. Танловнинг охириги концертда Хоразмнинг беназир «бренд»и бўлиб яшаб ўтган Шакаржон Ҳужаниёзова (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!) билан бирга, гўзал ижролардан баҳраманд бўлиб ўтир-

дик. Кейин яқин бўлди. Ҳакамлар ҳайъати раиси Ортиқ Отажонов бирор иштирокчига «Сен пишмагансан, кўшиқ сўзини чала айтдинг, оҳангини буздинг» демади, аксинча, ҳаммасига раҳмат айтиб, «Ҳеч бирингиз кам эмассиз, барчангиз голибсиз, аслида», деди. Сўнгра ўзи ҳам бир жуфт ашула қуйлади. Очиғини айтсам, ўша конкурсад энг катта олқишни Ортиқ Отажонов олди. Ҳам-мани қуйлатиб, одамларнинг ярмини рақсга туширди, ўзи ҳам қуйлади ва рақсга тушди. Ушанда бу улуг ҳофиз раислик қилган сўнгги танлов эканлигини ким ҳам ўйлабди, дейсиз.

Шу кун Урганчга бирга қайтдик. Йўл-йўлак Ортиқ аканинг кайфияти яхшилигини сезгач, фурсатдан фойдаланиб қолиш пайида бўлдим. Президентимиз таниқли санъаткорлардан ўз мактабини яратишни илтимос қилганини эслаб, «Албатта, сиз ҳам Ортиқ Отажонов мактабини очингиз керак», дедим. Шунда ҳофиз «Бунга энди кучим етармикан?». Лекин менинг катталарга бунданам муҳим битта тақдирим бор», деди. Кейин Ўзбекистон радиосининг «Олтин фонди»да сақланаётган асарларнинг аксарияти бузиб ёзилганини, айниқса, матнларда чалқашликлар, мусикаларда ўзгартирилган жойлари жуда кўплигини айтиб, бу ўзбек санъатига, айниқса, мумтоз санъатга катта хийнат эканлигини алоҳида таъкидлади. Пировардида ўзининг эзгу бир ниятини айтди:

– Биз «Олтин фонд»га ашула ёздириб арасида не-не чигириклардан ўтардик. Аввало, унга ўта жиддий ҳозирлик кўрдик. Устозларимиз кўшиғимизни эшитиб қўришганидан кейин бадий кенгаш тасдиғини кутардик. Шу тариха хато кетишининг имкон қадар олди олинарди. Ҳозир-чи?... Ҳозир бурунгидек кўшиқ матнлари мазмун-моҳиятини синчиклаб ўрганиш, савиясини баҳолаш ва ижронинг мукамаллигини назорат қилиш батамом издан чиққан. Мен бунинг учун кимларнидир қоралаб, айбор қилиш фикридан йироқман. Асосий мақсадим шунақа хато-камчиликларни бартараф этиб, ўзбек санъатининг мусавфоллигига баҳоли қўдрат ҳисса қўшишдир. Бу ишга виждон амри билан киришиб, биринчи навбатда, фарзандларим ва шоғирдларим ижроларини нуқсонлардан тозалашмоқчиман. Натижаси шундай бўлсинки, бир кун вақти-соати келиб, кейинги авлод вақиллари «Ўша кезларда ўзбек санъатининг дарвозаси олдида қоролули бўлмаган экан-да», демасинлар. Ким билсин, унда биз қаёқда юрган бўлаемиз?..

Ҳа, афсус, энди Ортиқ ака орамизда йўқ. У ўзининг армонли орзусига эриша олмай бу ёруғ дунёни тарк этди. Шу боис сўнгги пайтларда мени бир савол кўп қийнайди: машҳур ҳофизимизнинг ўша эзгу мақсадини қимдир амалга оширадимикан?..

Аслида санъаткорлар ва адиблар ҳам ойдин сийосатчиларга ўхшайдилар. Улар халқни яхшилик ва эзгуликка ундовчи, Ватанин севиниши тарғиб этувчи ҳар қандай сийосатчилдан кучлироқ имконият ва салоҳиятга эга бўладилар. Қолаверса, уларнинг бу борадаги ишлари ўзлари вафот этганларидан кейин ҳам ҳаётликларидан яратган ва ижро этган куй-кўшиқлари, ёзган китоблари воситасида давом этаверди. Чунки ўзлари дунёдан ўтсалар ҳам, овозлари ва асарлари ўлмайди.

Бугун эрталаб хоразмлик Равшанбек исмли акаимиз Ортиқ аканинг бундан ярим асрча муқаддам Махтумқули сўзи билан айтилган «Поёни бўлмас» кўшиғи аудиосини юборибди. Мен фарзандлиги сўзлар мағзини қақиб, ашулани мароқ билан тинглаб бошладим:

«Дўстларим, дунёга айланган ҳавас,  
Фонийдир ҳеч қима поёни бўлмас,  
Жон қуши бўлбулдир, танинг бир қафас,  
Бир кун учар, доим даврони бўлмас»...



Ҳусан ЭРМАТОВ,  
журналист

Комилжон Отаниёзов яратган кўшиқларнинг Ортиқ Отажонов талқинидаги ижролари алоҳида бир олам. Эҳтимол, уларда ўзаро уйқаш нолалар бордир, лекин устоз чизиларига тегирилмаган. Энг муҳими, Ортиқ ака устозининг кўшиқлари умрига умр қўшди, уни бошқаларга, ёшларга чексиз муҳаббат, камтарлик ва самимият билан суйдирди.

Комилжон Отаниёзов муқаддас саҳналарда қуйлаган кўшиқларни завқ билан тинглаганлардан сўрасангиз, улар Ортиқ Отажонов тисмолида Комилжон оғани кўришганини айтадилар...

Ортиқ ака ўзининг бирорта ҳам ашуласини маромига етказмасдан тингловчиларга тақдим этмади. Бу эса санъат кишисига хос юксак маданият саналари.

Санъат сунъийликни ёқтирмайди, сохталикни кечирмайди. Шу боис одамлар хотирасида қолиш, уларнинг қалбидан жой олиш умрини санъатга бахшида этган истеъдодларнинг ҳаммасига эмас, айримларинигина насиб этади. Чунки мухлислар ва томошабинлар ҳар қандай вазиятда ҳам асл ва ҳалол санъатни танлайдилар.

Мен Ортиқ ака яратган ва ижро этган ашуларни тинглаб, бир нарсасига амин бўламан. У ҳақини билиб қуйлади, ижод қилди. Яқинда ижтимоий тармоқда ёритилган бир шарҳда уни мумтоз санъат намоянаси дейишди. Бу гапда жон бор, ҳофиз ўзи яратган, ўзи ижод қилган асарларни мумтозлик даражасига қўйара олгани учун ҳам мумтоз санъаткордир. «Умр ўтар», «Келсун», «Турналар», «Васлинг кутиб»... Мумтозлик мактабига эриша олган бундай кўшиқлари кўп...

Ортиқ Отажонов «Яқларда»ни айтди, «Суворай Комил»ни айтди, «Чалаандоз»ни, сувораларни айтди. «Сегоҳ», «Феруз»ларни ёниб-ёниб, суйиб-суйиб айтди.

Адиб Шерали Сокин Ортиқ Отажонов ҳақида ёзган гўзал китобида «Феруз»ни Хоразм санъатигади имтихон-ашула деб атаган. У «Ваҳ, мунча офатли бўлур бир одамизод устона...» деган сатрга уруғ беради. Одамизоднинг дардлар билан қориниқ оламига бундайин шафқатсиз тўғрилигини таъкидлайди.

Аmmo... Эътибор қилсам, мен «Она суворай»ни Ортиқ Отажонов ижросида эшитмаган эканман. Балки ижро этгану, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилмагандир. Бунинг сабабларини ҳам ўзимча таҳмин қиламан...


Хоразмлик санъаткорларнинг гала концертида бир кўшиқчи «Она суворай»ни айтиб чиқди. Мен икки-уч бор тингладим. Тўғриси, «**Етиб зору панода...**» деб бошланадиган бу ашулада Отажон Худойшукуров ижросидаги юқининг ярми ҳам йўқ эди.

Нега Ортиқ ака бу ашулага мурожаат этмаган? Ўйлашимча, ҳар бир санъаткор ўз репертуарини танлашда ҳам ҳалол бўлиши лозим. Ортиқ ака эса санъат маънақатини юксак масъулият билан тушунар, масалан, Отажон Худойшукуров ушбу талқинга осонликча эришмаганини, бундай чўқки кўп ва тинимсиз захматлар эвазигагина забт этилганини ҳис этар ва уни юқори даражада ҳурмат ҳам қилар эди. Бир гал Раҳматжон Қурбонов билан рубоўр келганида унинг бир-икки ижросини олқишлаб кўйганини ҳам кўрганман.

Ортиқ ака билан суҳбатларимиз чоғида баъзан бирор мумтоз ашулани тингласак, дарров «Бу йигит уни айтиб яқини иш қилмабди» ёки «Тўғри айтмабди», дерди. Бироқ, минг афсуски, у киши танқид қилган қанча кўшиқлар йиллар оша мажбуран одамлар қулоғига сингдириб келинди ва келияпти.

Мавриди келганда, яна бир катта ҳақиқатни таъкидлашим келди. Хоразм санъатига дахлдор суворай ферузлар, дostonлар, устозининг ашулаларини истисно қилганда, Ортиқ Отажонов ўзи ижро этган барча кўшиқларнинг муаллифи ҳам эди.

Дарвоқе, санъаткор билан ижрочини фарқлаш лозим. Эл назарига тушган кўплаб хонадаларнинг асосий репертуари олдин яратилган ашула-



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDULMUKTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OLIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69

Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31  
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02  
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28  
Samargand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Surkhondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70  
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda gamba sifatida berada nomi ko'rsatilib shart. Mualliflar fikri hahriyiat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchesi muharrir: J. Naxanov

Musahhirlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Boshiga topshirish vaqti – 01:20  
Topshirildi: 01:40

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 018 ta  
Shundan: 7540 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 016 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

8462 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G 111

1 2 3 4 5 6